

06.11.2018 санада Президент Виртуал Кабулхонасига жунатилган 121694-s/18 ракамли мурожаат иловаси

## **Технологик ривожланган жамият учун ходимларни тарбиялаш тажрибаси**

*Кузатишлар шуни кўрсатяптики, кўпгина корхоналардаги сифат муаммоларининг асосий сабаби инсон омили экан. Булар – стандартлаштирилган ишни бажаришдаги хатолик, ишдаги бир ёки бир неча элементни ёки умумий тартиб-коидаларни бажаришни инкор қилиш. Ишлаб чиқариш саноатида мураккаб операциялар учун хато юз беришига йўл қўймайдиган воситалар ўрнатилади. Шундай воситани кадрлар тайёрлашда ишлатса бўладими? Бу маколада мен ходимларни тайёрлаш жараёнига «хатолардан химоя қилиш воситаси» ни тадбиқ қилишни муҳокамага қўймоқчиман.*

Хитой саноати арzon нархларларга асосланган рақобатбардошлиги билан бутун жаҳонга ўзини билдириб турган вақтда, европа саноати маҳсулотнинг рақобатбардош таннархи энди арzon ишчи кучи билан таъминлана олмаслигини, ва иқтисоднинг рентабеллиги унда албатта илмий-изланиш ва тажриба-конструкторлик ишлари бўлишига ва ходимларнинг мураккаб технологик вазифаларни еча олиш қобилиятига қараб белгиланишини таъкидламоқда.

Бу қуруқ гап эмас, балки бир асосли далил, ва тафовут таълим тизими ва ходимларни тайёрлаш сифатидадир. Буни кўрсатишни таққослашсиз иложи йўқ, ва бунда менга япон таълим тизими билан танишлигим ёрдам беради.

Мен 2007-2009 йиллари у ерда магистратурада ўқиганимда, фарзандларим 2008 йил июлидан 2009 йил ноябригача умумий болалар боғчаси (койху-эн), бошланғич мактаб (шё-гакко) ва бошланғич ўрта мактаб (чью-гакко) ларга боришиди. Хусусий болалар боғчалари ва мактаблари ҳам бор, ва уларда таълим интеллектуал ўйинлар асосида ташкил килинган. Мен ўқиган Тойохаши Технология Университети профессори жаноб Ямаданинг тушунтиришича, бундай таълим методологик таълим деб аталади, ва у тез орада умумий болалар боғчалари ва мактабларида ҳам кўлланилишини бошлайди.

### **Япон болалар боғчасида болаларга нимани ўргатишади? Ходимларни тайёрлашнинг дастлабки босқичи.**

Японлар денгиз маҳсулотларини кўп истеъмол килганлари учун фан ва технологияда илгор, - деган гап бор. Мен эса, японларнинг муваффакияти уларнинг таълим тизимига ва болалар боғчасидан бошланадиган ходимларни тайёрлашнинг узлуксиз жараёнига боғлик, деб ҳисоблайман. Фарзандларини боғчага жойлаш учун ота-оналар маҳаллий муниципалитетнинг таълим бўлимига мўлжалларидағи муддатдан 6 ой олдин ариза топширишлари шарт. Хамма болалар, 3- ва 2- гурух ногиронлари ҳам, яшаш жойларидағи болалар боғчасига ёки мактабга бориши лозим. Иложсиз ҳолларда болалар оналарининг иш жойига яқин боғча ёки мактабга жойланиши мумкин. Биринчи куниёқ болалар боғчага рюкзаклари, устки ва ички кийимлари, пойафзаллари, идишлари, фартуклари, қалам ва бошқа буюмларига исми-шарифи ёзилган ёрлиқлари (яъни, маркировка) билан келишлари шарт. Ёрлиқлар сувга чидамли ёзув билан бажарилади. Кичик гурух тарбияланувчилари қизил рангдаги ва катта гурух тарбияланувчилари яшил рангдаги, болани қош қорайган вақтдаги серқатнов ҳаракатда ҳам сезиларли қиласидиган нур қайтарувчи тасма қадалган панамачаларни кийишлари мажбурийдир.

Одатда 2 ёки ундан каттароқ ёшдаги боғчага янги келган болани биринчи куниданоқ катталарга ўзини қандай таништиришни, кийими ва бошқа буюмларини аниқ ажратилган жойга тахлаб-териб қўйишга ўргатишади. Ёрлиқ қадаш, нарсаларни ажратилган жойга териб-тахлаш бу замонавий ишлаб чиқариш маданияти, 5S, нинг 2- ва 3-чи

элементлари дидир. Тарбияланувчиларга кейинги кўйиладиган талаблар – берилган овқатни ҳаммасини ейиш, овқатдан кейин тиш тозалашдан ва бир ойда бир марта фтор эритмали сувда тишини чайқашдан бош тортмаслик. Агар бола яхши овқатланмаса, ота-оналарга зудлик билан ҳабар берилади, ва улар, ўз навбатида, шификорга мурожаат қилишлари зарур бўлади. Болалар боғчалари ва мактаблар учун ойлик таомномалар маҳаллий муниципалитетнинг соғликни сақлаш бўлими томонидан тасдиқланади. Ҳар ой охирги декадасининг ўртасида (келаси ой учун тузилган) таомнома нусхаси бола рюзагида ота-оналар эътибори учун жўнатилади. Агар бола бирор-бир маҳсулот ёки таомни ея олмаса, ота-онаси бу ҳақда боғча/мактабга бир энлик хат билан ҳабар беради. Керакли кунда ота-оналар ўз уйларидан бола рюзагида овқат бериб юборишади.

Тарбия режаси ўта зич. Таълимнинг ҳамма босқичларидаги тарбия шиори – ҳамма бола ўзлаштириши шарт (NCLB – No child left behind). Кичик гуруҳ боғча болалари йил охирида 20 минутли саҳна чиқишини бажара олишлари шарт. Катта гуруҳ боғча болаларининг 3-5 та ролдан ташкил топган саҳна чиқишилари вақти умумий ҳисобда 2 соатгача боради. Бундан ташқари ёнғин, сув тошқини ва зилзила вақтида бажариладиган ҳаракатлар ва жисмоний тайёргарлик (қувноқ стартлар) бўйича ҳам мунтазам машғулотлар олиб борилади. Тайёргарлик натижалари ота-оналарга, маориф бўлимига ва муниципалитет вакилларига йилига бир марта намойиш қилинади: фавқулодда вазиятлар бўйича – июлда, жисмоний тайёргарлик бўйича – сентябрда, бадиий кўникмалар бўйича – декабр ойи охирида. Ҳусусан олганда, менинг катта ўғлим болалар боғчасига 2008 йил июль ойидан бора бошлади, ва у ҳамма тадбирларда иштирок этди. Янги йил олдидан ўтказиладиган бадиий кўрик (японча «ойоги-кай», инглизча “scene play”) да у умумий 2 соатча давом этган 3 та чиқишида қатнашди. Буни мен, агар ўғлим тилни умуман тушунмаганлигини ҳисобга олсак, тарбиячиларнинг 5,5 ойда эришган жуда катта ютуғи деб ҳисоблайман.

Боғча тарбияланувчилари мактабга алоҳида бир тантана билан кузатилади – шахсан боғча директори уларга тарбия давомида эришган ютуклари ва келажақдаги режалари қайд этилган ёрлиқни топширади. Бу ёрлиқни улар мактабга олиб боришади. Битирув тантаналари таълим жараёнининг ҳар бир босқичида жуда яхши ташкил этилади – у куни ота-оналар иш жойларидан руҳсат олиб, кунларини фарзандлари билан ўтказишади. Оналар ёки бувижонлар у байрамларга миллий кимоноларини кийиб боришади.

### **Тежамкор мактаб кун тартиби (Lean Education Schedule), ёки ишлайдиган ота-оналар фарзандларининг қаровсиз вақтини камайтириш**

Япон мактабларида ўқув йили апрель ойидан бошланади. Боланинг устида унинг исмишарифи, мактаби номи ва синфи ёзилган мажбурий мактаб униформаси бўлади. Қизларнинг бошидаги панамка ва ўғил болаларнинг бошидаги бейсболка сариқ рангда бўлади. Рюзакларига ичимлик термоси жойланган ва фавқулодда ҳолатларда ишлатиладиган ҳуштак илинган бўлиши керак. Ҳар бир мактабнинг униформаси бошқасиникидан фарқ килади ва уларда албатта қоронғи вақтда ёруғлик қайтарувчи элементлар бўлади. *Бу, мантиқан олиб қараганда, доимо зилзила ҳаёғи бўлган, аҳолиси зич жой учун бехато риоя килиниши шарт бўлган хаёт ҳаёғсизлиги қоидаларининг бир бандидир.*

Мактабга қатнашнинг дастлабки 3 куни танишув кунлари ҳисобланади ва болаларни уйларига ўз онаси ёки бувиси/буваси билан биргалиқда соат 12 гача қайтаришади. 4-кундан бошлаб соат 08:00 дан 15:30 гача тўла кун тартиби бўйича машғулотлар бошланади. Ҳар бир квартал ёки кўчада яшовчи бошланғич мактаб ўқувчилари белгиланган жойда эрталаб соат 07:20 – 07:30 да йиғилишади ва у ердан мактаб

кенгashi томонидан тайинланган юқори синф ўқувчилари кузатуvida мактаб томон йўл олишади. Бошланғич мактаб ўқувчиларига ота-оналари ёки қаровчиларисиз дўкон ва бозорларга кириш таъқиқланган. Тўлиқсиз ўрта мактаб ўқувчилари мактабга алоҳида-албатта каска кийган ҳолда, ўз велосипедларига миниб боришаверади. Велосипед ўқувчи номига, иложсиз ҳолларда эса ота-оналардан бирортасининг ёки бошқа қаровчисининг номига расмийлаштирилади, ва ягона маълумотлар базасида рўйхатга олинади. Полиция вақти-вақти билан рейд ўтказиб, велосипед техник ҳолати ва эгасига ҳақиқатан тегишли ёки йўқлигини текшириб туради.

Соат 07:50 да ҳамма болалар ўз синф хоналарида ўтиришлари шарт. Япон болаларининг ўқув кун тартибини қуийдаги жадвалдан кўриб, уни баъзи МДҲ давлатларида болалар мактаб кун тартиби билан солиштириб мумкин.

*Жадвад. Япон ва баъзи МДҲ давлатлари болаларининг мактаб кун тартиби.*

№	Кун тартиби мазмуни / Ҳаракат	Япония	Баъзи МДҲ давлатлари
1	Мактабга / боғчага жўнаш вақти	07:30	07:30*
2	Оналар ишининг бошланиш вақти	09:00	08:00**
3	Оналар ишининг тугаш вақти	16:00	17:00
4	Тушлик, энергетик қиймати, ккал.	1800	Стандартлаштирилмаган ёки ҳабар қилинмайди
5	Болаларнинг мактабдан / боғчадан қайтиш вақти	16:00	14:00**
6	Йўлдаги ҳаракат хавфсизлиги	Стандартлаштирилган	Стандартлаштирилмаган
7	Болаларнинг қаровсиз ёки бўш вақтлари, соат	0	3-5
8	Бир ҳафтада мактаб кунлари	5	6
9	Бир йилда мактаб кунлари, байрамларни ҳисобга олганда, ўртача	220	185
10	Таътил кунлари	<40 (20 кун ёзда ва ~20 кун қишида)	120

\* сменага караб фарқ қиласи

\*\* хар хил шаҳар/вилоятларда хар хил

Умумий мактабларга қатновчи 16 ёшгача бўлган болалар асосий дарслардан кейин спорт ва бадиий тўғаракларга боришмайди, чунки буларнинг ҳаммаси мактаб программасига қўшилган.

Қизиқиш ва қобилиятларига қараб, болалар хар хил мусиқа асбобларида шуғулланиш учун бўлинадилар. Мусиқа асбобларининг асосан пуфлаб чалинувчи, торли ва зарбли турлари билан шуғулланишади. Ховлидаги катта спорт майдонидан ташқари, бошланғич мактабларда (шё-гакко) биттадан бассейн ва спортзал бор. Бошланғич ўрта мактабларда (чью-гакко) улар иккитадан, ва жисмоний тарбия дарсларига дзюдо, каратэ, камондан отиш, қиличбозлик, теннис, волейбол, баскетбол ва сузиш машғулотлари кўшилади.

Математика дарслари жуда жадал олиб борилади ва шу даражага етказиладики, икки хонали сонларни уч хонали сонларга кўпайтириш ва уч хонали сонларни икки хонали сонларга бўлиш кўнинмалари, бир хил машқларни хар хил талқинда қайтариш орқали,

калькуляторсиз автоматик ҳолда бажариладиган бўлади. Шундай одат бор – бошланғич мактабни битираётган боланинг математикадан тутган дафтарлари қалинлиги боланинг ўз бўйига тенг бўлади, бошланғич ўрта мактабни битираётган боланинг математика дафтарлари қалинлиги боланинг ўз бўйидан бир қарич баланд бўлади. Яна бир эътиборни тортадиган ҳолат: бошланғич ўрта мактабни битиргунларича болалар қаламда ёзишади.

Мактаб ўқувчиларининг ўқиши китоблари асосан халк эртаклари, масаллар ва тарихий хикоялардан ташкил топган бўлади. Бошланғич мактаб китобларида уларнинг ҳажми ярим бетдан, бошланғич ўрта мактаб китобларида бир бетдан ошмайди, ва бу уларнинг қизиқарли бўлишини ва осон ўзлаштирилишини таъминлайди.

Бошланғич ўрта мактаб ўқувчилари жумладан юон афсоналари ва Эзоп масалларининг маъносини яхши тушунишади. Мисол учун, «Дедал ва Икар» афсонасида қўёш - ҳақиқат, қанот - билим, мум - жамиятдаги билимларнинг ўзаро боғлиқлигининг

тимсоллари эканини кичик курсдаги япон толибларидан билдим. (Бунақа фикрни, масалан, ўзбек мактаблари бошланғич синфларининг ўқиши китобларига нисбатан айтиш қийин. Ҳикоялар ҳажми кўп ҳолларда икки варагдан ортиқ, қизиқарли эмас ва эслаб қолиш учун нокулай.)

Физикадан амалий машғулотлар меҳнат ва табиатшунослик машғулотлари билан уйғунлаштирилади.

Бошланғич мактабнинг 5- ва 6-синфларида

физика ва табиатшунослик учун битта дарсларни қўлланилади. Шу дарсларни воситасида ёввойи табиат, ҳонаки ўсимлик ва ҳайвонлар билан муомала қилишни хам ўргатишади.

Жисмоний тарбия, меҳнат ва мусиқа дарслари тушликдан кейин, хафтасига уч марта ўтказилади. Меҳнат дарсларида ўқувчиларни игна, ип ва хар хил уй электр анжомларини ишлатишга ва овқат тайёрлашга ўргатишади. Биринчи ўқув йилининг охирида бошланғич мактаб ўқувчиси, агар жисмоний



Япон болалар боғчасида жисмоний тарбия байрами. Сентябрь, 2009.



Тоёхали шаҳридаги бошланғич мактаб ўқувчилари қўл меҳнати наъмуналари кўргазмаси. Октябрь, 2009.

чегараланмаган бўлса, ўз кийимига тугма қадашни ва миший чиқиндиларни турига қараб ажратишни, олтинчи ўқув йилининг охирига келиб эса ҳамма турдаги ўз электр анжомларини ишлатишни ва ўзи учун осон тайёрланувчи таом пиширишни билиши шарт. Бу билан чегараланмасдан, меҳнат дарсларида (тасвирий санъат дарслари эмас) ўқувчилар лой ва бошқа осон топиладиган ашёлардан ҳайкалчалар ясашни ўрганишади. Бошланғич мактаб ўқувчиларининг меҳнат дарсларида ясаган қўл меҳнати наъмуналари хар йили октябрь ойида кўрикка қўйилади. Хар бир ўқувчи бу кўрикка камида битта шахсий иши билан ёки иккита гурух ишига қатнашиб бориши керак.

Коллеж ва махсус мактаб ўқувчилари ихтисослик бўйича билим олишади, ва у билимлар диплом олди амалиёти билан соҳага таалуқли университет ёки технопарк қошида мустаҳкамланади. Япониядаги компаниялар ўз муттахассисларини тайёрлаш ва



Япон бошланғич ўрта мактабидаги спорт байрамидан лавҳа. Сентябрь, 2009.

қайта тайёрлаш бўйича ўз программаларига эга ва бу ҳаттоқи ўзларининг қарамоғида бўлган университетлардан хам сир тутилади. Бакалавр ёки магистр маълумоти билан келган янги муттахассисларнинг меҳнат фаолияти одатда сотув бўлимидан бошланади.

Бу хусусда масаланинг молиявий томонига ҳам назар ташлаш керак деб ўйлайман. Япониядаги энг баланд ойлик энг паст ойликдан олти марта катта, ва муаллимларнинг ойлик маоши ўртачадан кам эмас. Кейин, япон мактабларида бирорта муаллим, оддийидан тортиб директоригача, битта жойда 3 йилдан ортик ишламайди. Муаллимларнинг жамиятдаги ўрни япон таълим тизими самарадорлигининг яна бир муҳим омили ва уларнинг ўз ишига бўлган фидокорлигининг сабабидир. Япония мисолида ортикча исбот далиллар қидирмасдан шуни билиш мумкинки, таълим жараёни, унинг ички (болалар боғчасидан олий таълимгача) ва ташқи (олий ўкув юртлари ва иқтисодиёт соҳалари орасида) алоқалари тўла таъминланса ва унга хар томонлама ва яхлит ёндашилса, мамлакатда иқтисодий муваффақиятни таъминлаши мумкин экан.

Гапимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, ходимларнинг ишлаб чиқариш маданияти асосий қоидаларига риоя қилиш хулқини уларнинг онгига ёшликлариданоқ сингдириб бориш катта самара беради. Бундай жараённи қўллаб қувватлаш учун, халк хўжалиги бўлажак ходимларнинг шахсий ва касбий фазилатларига бўлган талаб-ҳоҳишлиарини таълим вазирлигига билдириб турishi лозим, ва таълим вазирлиги бу талаб-ҳоҳишлиарни бажариш учун узлуксиз жараёнларни ишлаб чиқиши, уларни баҳолаш меъёрларини келишиши, ва вақти-вақти билан бу жараённи такомиллаштириб турishi керак.

Бундан ташқари, бундай таълим жараёни кундалик хаётда йул ҳаракати қоидаларини бузиш, атроф мұхитни ифлослаш, майший жихозларни әхтиёtsиз ишлатиш, амалдаги жамият ва саноат қонун-қоидаларини инкор қилиш каби иллатларнинг чиқишини олдини олади. Кенг миқёсда эса, бундай таълим жараёни хар хил мураккабликдаги технологик вазифаларни бажара оладиган, технологик хизматлар импорти ўрнини босибгина қолмай, уларни экспорт қилишга қодир рақобатбардош ходимларни тайёрлашга ёрдам беради.

## **Практика воспитания персонала для технологически развитого общества**

*Наблюдения показывают, что основной причиной проблем по качеству во многих предприятиях является человеческий фактор – ошибка в выполнении стандартной работы, игнорирование выполнения одного или нескольких элементов работы или же общеустановленных правил. В производстве для сложных операций устанавливается устройство, которое не позволяет делать ошибку. Можно ли такое «устройство» применить в подготовке кадров? В этой статье я постараюсь внести на обсуждение «устройство защиты от ошибок» для внедрения в процесс подготовки персонала.*

Когда как китайская промышленность бросает вызов всему миру своей конкурентоспособностью относительно цен, европейская промышленность утверждает, что конкурентоспособная себестоимость продукции больше не делается на дешевой рабочей силе, и рентабельность экономики признается при обязательном наличии исследовательских и опытно-конструкторских работ и компетентности персонала решать технологические задачи.

Это не пустая реклама, а факт, и различие кроется в качестве системы образования и подготовки персонала. Тут без сравнения не обойтись, и как раз здесь мне помогут моё знакомство с японской системой образования. Когда я учился там на степень магистра в 2007-2009г., мои дети с Июля 2008г. по Ноябрь 2009г. ходили в публичные детский сад (кайху-эн), начальную школу (шё-гакко) и неполную среднюю школу (чью-гакко). Есть еще частные детские сады и школы, и там образование устроено на основе интеллектуальных игр. Как мне объяснил профессор Ямада Технологического Университета Тойохадзи, где я учился, такое образование называется методологическим, и оно должно перейти в скором будущем в публичные детские сады и школы.

### **Чему учат детей в публичных японских детских садах? Ранний этап подготовки персонала.**

Есть общеизвестный миф, что японцы преуспевают в науке и технологии благодаря тому, что употребляют морскую продукцию в большом количестве. Я бы сказал, что достижение японцев зависит от их системы образования и непрерывной цепочки подготовки персонала. Подготовка персонала начинается с детского сада. Для размещения детей в детский сад, родители должны подать заявление в отдел образования местного муниципалитета за 6 месяцев раньше желаемого срока. Все дети, включая инвалидов 3-ей и 2-ой групп, должны ходить в детский сад или школу по месту жительства. В исключительных случаях детей распределяют в детские сады по месту работы матери. В первый день ребенок должен приходить в школу с полной маркировкой рюкзачка, верхней одежды, белья, обуви, посуды, фартука, карандашей и других принадлежностей. Маркировка наноситься на одежду и другие вещи несмыывающейся надписью. Панамка красного цвета для детей младших групп и зеленого цвета для детей старших групп с прикрепленной светоотражающей полоской, которая делает ребенка заметным в общем потоке дорожного движения даже в сумерках, обязывается.

С первых же дней ребенка, это обычно дети в возрасте от 2 лет, начинают обучать как правильно и четко представляться перед взрослыми, к правильней укладке своей одежды и других вещей точно по расположенному месту. *Использование маркировки,*

*правильная и точная укладка вещей на свои места - есть 2-ой и 3-ий элементы современной производственной культуры 5S.* Следующие обязательные требования воспитанникам – есть всю пищу, которую дается, и не отказываться от чистки зубов после еды и полоскания рта раствором фтора раз в месяц. Если ребенок плохо ест, родители немедленно информируются об этом, и они, в свою очередь, должны обратиться к врачу. Ежемесячные меню для детских садов, также и школ, утверждаются службой здравоохранения отдела образования местного муниципалитета. В середине последней декады каждого месяца копии меню отправляются родителям в рюкзачке ребенка, вкладывая в книжку сообщений. Если ребенок не может принимать тот или иной продукт или пищу, родители сообщают об этом школу обратным письмом. В нужный день, родители передают свою пищу из дома взамен.

Программа воспитания довольно насыщенная. Атмосфера воспитания – ни один ребенок не должен отставать (NCLB - No child left behind) на всех этапах образования. Воспитанники младших групп к концу года должны суметь сыграть роль с продолжительностью до 20 минут. Общая продолжительность времени выступления воспитанников старших групп увеличивается до 2 часов, в 3-5 ролях. Кроме этого, проводятся регулярные занятия по физической подготовке (веселые старты), выполнению действий при пожаре, наводнении, землетрясении. Результаты подготовки демонстрируются родителям, представителям отдела образования и муниципалитета раз в году: по чрезвычайным ситуациям – в июле, по физической подготовке – в сентябре, по художественным навыкам – в конце декабря. В частности, мой старший сын начал ходить в детский сад с июля 2008г., и он участвовал во всех этих мероприятиях. В художественном осмотре перед новым годом, который называется «ойоги-кай» по-японски или «scene play» по-английски, он участвовал в 3 ролях с общей продолжительностью около 2 часов. Это я считаю очень серьезным достижением педагогов, осуществленное за 5,5 месяцев, если добавить сюда и результаты преодоления языковых барьеров.

Воспитанников детских садов провожают в школу с особым торжеством – лично директор детского сада вручают им грамоту с заметкой об их успехах в течение воспитательного периода и их будущих планах. Эту грамоту они принесут в школу. Выпускные торжества проводятся на всех этапах образования – в этот день родители отпускаются от работы и проводят день со своими детьми. Матери или бабушки ходят в эти торжества в своих национальных кимоно.

### **Бережливый школьный график (Lean Education Schedule), или уменьшение безнадзорного времени детей работающих родителей.**

Учебный год начинается в японских школах с апреля месяца. В экипировку ребенка входит обязательная школьная униформа с указанием фамилии и имени школьника(цы), наименования школы и класса. Панамка и бейсболка желтого цвета соответственно для девочек и мальчиков. В рюкзачке должны иметься термос для напитка и сигнальный свисток для чрезвычайных ситуаций. Униформы от школы к школе разные, и все без исключения должны иметь прикрепленные светоотражающие элементы. Это в сущности является основным элементом безопасной жизнедеятельности для сейсмоопасного и густонаселенного места, который должен неукоснительно соблюдаться.

Первые три дня в школах являются ознакомительными, и детей отпускают домой в сопровождении своих матерей или бабушек/дедушек до 12 часов дня. С 4-го дня начинаются занятия по полному графику с 8:00 до 15:30 часов. Учащиеся начальных школ в каждом квартале или в каждой улице собираются в определенном месте и в

07:20-07:30 и оттуда следуют в школу в сопровождении старшеклассников, которые назначаются школьным советом. Учащимся начальных школ запрещается входить в магазины и рынки без сопровождения своих родителей или опекунов. Учащиеся неполных средних школ следуют в школу самостоятельно на своих велосипедах, при этом ношение каски обязательно. Велосипед оформляется на имя ребенка или, в крайнем случае, на имя одного из родителей или опекунов, и прослеживается единой базой данных. Полиция часто проводит рейды и проверяет техническое состояние велосипедов и документы на велосипед у владельцев.

К 07:50 все дети должны сидеть в своих классах. График учебного дня японских детей можно смотреть в следующем графике и сравнить его с графиком школьников некоторых стран СНГ.

*Таблица. Сравнительный график школьников Японии и некоторых стран СНГ.*

№	Событие	Япония	Некоторые страны СНГ
1	Время отправления в школу / детский сад	07:30	07:30*
2	Время начала работы матерей	09:00	08:00**
3	Время завершения работы матерей	16:00	17:00
4	Обед, энергетическая ценность, ккал.	1800	Не стандартизован или не сообщается
5	Время возвращения детей из школы / детского сада	16:00	14:00**
6	Правила безопасности в дороге	Стандартизованы	Не стандартизованы
7	Время детей без надзора, или упущенное время школьников, час	0	3-5
8	Школьные дни в неделю	5	6
9	Школьные дни в году, в среднем, с учетом праздников	220	185
10	Каникулы, дни	<40 (20 дней летом и ~20 дней зимой)	120

\* отличается в зависимости от смены

\*\* отличается в разных городах/регионах

Дети до 16 лет из публичных школ обычно не ходят в спортивные и художественные занятия после основных школьных занятий, потому что все это включено в школьную программу. Детей по способности и интересу распределяют играть на разных музыкальных инструментах – это в основном духовые, струнные и ударные инструменты. Кроме большого спортивного поля, в начальных школах (шё-гакко) имеется один спортивный зал и один бассейн. В неполных средних школах (чью-гакко) их имеются по два и в программу физической подготовки добавляются классы по

дзюдо, каратэ, стрельбе из лука, фехтованию, теннису, волейболу, баскетболу и плаванию.

Занятия по математике ведутся интенсивно и сводиться к тому, что навыки по умножению двухзначных чисел на трехзначные числа и разделению трехзначных чисел на двухзначные доводиться до автоматизма без калькулятора, путем многократного повторения одних и тех же задач под разным контекстом. Есть такой пример – высота тетрадей ребенка по математике должен быть равен его росту по окончанию начальной школы, и выше на пядь по окончанию средней школы. И еще один интересный момент: до окончания младшей средней школы дети пишут карандашом.

Книги по чтению для учащихся начальных школ в основном содержат народные сказки, басни, и исторические рассказы. Их объем едва ли превышают полстраницы для начальных школ, и одной страницы для неполных средних школ, что делают их

захватывающими и легкими для понимания. Учащиеся неполных средних школ очень хорошо понимают смысл греческих легенд и басен Эзопа. Например, я узнал у японских студентов младшего курса в университете, что солнце в греческой легенде «Дедал и Икар» означает истину, крылья – знания, а воск – взаимосвязь этих знаний в обществе. (Такого трудно сказать относительно учебников по чтению, например, для



Праздник физкультуры в японском детском саду. Сентябрь, 2009.

начальных классов узбекских школ – рассказы в основном с объемом больше 2 страниц, не увлекательные и трудны для запоминания.)



Выставка образцов ручного труда учащихся начальных школ г. Тоёхаси. Октябрь, 2009.

Практические занятия по физике совмещаются с занятиями по природоведению и по труду. В 5-ом и 6-ом классах начальных школ для физики и природоведения используется один и тот же учебник. По этому учебнику также учат к обращению с домашними растениями, с домашними животными, с окружающей дикой природой.

Занятия по физической подготовке, труду и музыке проводятся обычно после обеда, три раза в неделю. На занятиях по труду детей учат пользоваться иголкой, ниткой,

разными домашними электрическими приборами, подготовке еды. К концу 1-го учебного года учащийся начальной школы, если физически не ограничен, должен уметь крепить пуговицу на свою одежду и рассортировать бытовой мусор, а концу 6-го года – пользоваться всеми домашними электрическими приборами и готовить себе несложную горячую пищу. Тем не менее, на занятиях по труду школьники изучают ваяние фигур из глины и других подручных материалов. Образцы ручных трудов учащихся начальных школ, которых они изготавливают на занятиях по труду, выставляются на конкурс в октябре каждого года. Каждый ребенок должен представить как минимум одну индивидуальную работу или участвовать в двух групповых работах для этого конкурса.



Праздник физкультуры в японской неполной средней школе. Сентябрь 2009г.

Учащиеся колледжей и специальных школ получают специальные образования, и эти знания обязательно подкрепляются преддипломной практикой либо в лаборатории соответствующего университета, либо в технопарке. Компании и организации в Японии имеют свою программу подготовки и переподготовки кадров и держат их в секрете даже от своих подопечных университетов. Карьера новобранцев, которые приходят после получения степени бакалавра или магистра, обычно начинается в отделе продаж.

Считаю необходимым обратить внимание также и на финансовую сторону. Самая высокая заработка в Японии приблизительно в шесть раз больше от самой низкой зарплаты. А уровень зарплаты преподавателей – не ниже средней. Ещё, в японских школах ни один педагог, начиная от простого учителя до директора школы, не работают в одном месте больше 3 лет. Социальный статус преподавателей является другим важным фактором эффективности японской системы образования и стимулом их преданности к работе. В примере Японии лишних доказательств не требуется, что всесторонний и целостный подход к процессу образования и с ее внутренней (от детского сада до университета) и внешней (между учебным заведением и отраслью) взаимосвязью полностью может обеспечить экономический успех стране.

В завершении я хотел бы сказать, что способность персонала соблюдать элементарные правила основ производственной культуры будет эффективнее культивировать в их сознание с самых ранних лет. Для поддержания такого процесса, народное хозяйство должно сообщать свои требования к личным и профессиональным качествам будущего персонала министерству образованию, а министерство образования должна разработать непрерывный процесс для выполнения этих требований, согласовать меру для их оценки, и периодически усовершенствовать этот цикл.

Более того, такое образование поможет избеганию частых случаев элементарных правонарушений в виде несоблюдения ПДД, засорения окружающей среды, пренебрежения в использовании бытовых приборов, игнорирования установленных и

общепринятых социальных, общественных и производственных правил и процессов в повседневной жизни. В глобальном плане, такое образование поможет подготовить конкурентоспособный персонал для выполнения менее и более сложных технологических задач, который не только заменит импорт услуг, но и обеспечит экспорт технологий.